

Давлат хавфсизлик хизмати кубоги туман босқичи ғолиблари тантанали тақдирланди



Ёшларни спортга кенг жалб қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда иқтидорларини рўёбга чиқариш мақсадида доимий ўтказиб келинаётган Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кубоги мусобақаларининг Термиз тумани босқичи ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Туман спорт мактаби ўйингоҳида катта концерт томошалари билан ўтказилган тантанали тадбирда Давлат хавфсизлик хизмати туман бўлими, сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг ўринбосарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Катта байрам тадбирида Давлат хавфсизлик хизмати кубоги учун ўтказилган футбол ва мини футбол бўйича ўғил болалар ва қизлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда туман ғолиблигини қўлга киритган ёшларга қимматбаҳо совғалар, медаллар топширилди.

Маданият бўлими санъаткорлари томонидан намоиш этилган концерт дастурлари тадбирга ҳақиқий байрам кайфиятини улашди.